

**«Юнусобод дехкон бозори» АЖ акциядорларининг навбатдаги
умумий йиғилиш
баёни**

2018 йил 25 май

Тошкент шаҳри
соат 15⁰⁰

Овоз берувчи акциялар сони: 655241

Тошкент шаҳар, Юнусобод-3 мазеси

Акциядорларнинг 2017 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар, Юнусобод-3 мазеси манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2018 йил 25 май куни соат 15-00 да ўтказилди. Йиғилишда 622767 овозга эга 8 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 95.0 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Йиғилишда қатнашганлар:

М.У.Турабеков – Тошкент шаҳар ҳокимияти, мутахассиси

Т.К.Камолов - "Тошбозорсавдо" уюшмаси инвестиция бўлими бошлиғи

Б.Б.Латипов – «Юнусобод дехкон бозори» АЖ директори

Реестр бўйича акциядорлар сони 790 та. 655241 овоз. Бошқа тегишли мутассадди ходимлар, жамми 8 та акциядор, 622767 овоз билан қатнашиб, йиғилиш ўтказиш учун кворум 95.04 % ни ташкил этди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи уринбосарининг 2018 йил 21 майда № ЮР-12/04-1200-сонли ишончномасига асосан Тошкент шаҳар ҳокимиятига тегишли 94.18% акцияларнинг ишончли вакили этиб, Тошкент шаҳар ҳокимияти, мутахассиси М.У.Турабеков юборилган.

Йиғилишда раисликни Т.Камолов олиб борди.

Т.Камолов йиғилиш ўтказиш учун кворум 95.0 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, Э.Кучаров номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, Т.Камолов йиғилишга санок комиссияси сайлаб олиш лозимлиги хақида айтиб, санок комиссияси номзодлигига таклиф этилган Эшбоев Норбута, Заирова Феруза ва Юлдашева Шахнозаларини овозга қўйди.

Санок комиссияси юқоридаги таркибда бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси Т.Камолов умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

1. *Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.*
2. *Жамиятнинг 2017 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш.*
3. *Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосалари.*
4. *Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.*
5. *Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб-варагини тасдиқлаш, унинг фойдасини тақсимлаш.*
6. *Жамиятнинг 2018 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси»ни тасдиқлаш.*
7. *Жамият директори меҳнат шартномасини узайтириш.*
8. *Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.*
9. *Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.*
10. *Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.*

11. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхури томонидан 3-йил мобайнида талаб қилиб олинмаган дивидентларни жамият ихтиёрида қолдириши.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 апрелдаги 01-03/1-2682-сонли баёни ижроси ҳақида.

Йиғилиш раиси Т.Камолов кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилиш катнашчилари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан регламент куйидагича бўлиши ҳақида қелишиб олинди.

Биринчи масалага 30 минут, қолган масалаларга 5-10 минут, муҳокамада сўзга чиқувчилар учун 3-5 минутдан вақт берилиши қелишиб олинди.

Санок комиссияси томонидан йиғилиш муҳокамасига куйилган масалалар юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши ҳақида тушунча берилди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан мажлис раиси Т.Камолов сўзни жамият директори вазифасини вақтинча бажарувчи Б.Б.Латиповга берди.

Б.Б.Латипов сўзга чиқиб, «Юнусобод дехкон бозори» АЖ нинг 2017 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича куйидагиларни маълум қилди:

«Юнусобод дехкон бозори» АЖнинг молиявий хўжалик фаолиятини 2017 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва жамиятнинг 2017 йилги даромадлар ва харажатлар сметасининг 12 ойлик яқунлари бўйича жамият режалаштирган даромадларнинг айрим бандлари бажарилмади. Шундан;

Даромадлар	Режа	Амалда	фарқи
Жой ҳақи	3389810,0	3452047,1	62237,1
Хизмат ҳақи	1896830,0	1670499,2	-226330,8
Шу жум.Автотухташ даромади	696500,0	553599,6	-142900,4
СХК товарайланиши			
СХК даромади			
Ижара ҳақи	1408000,0	1397511,6	-10488,4
Инфратузилма	50467,2	50049,6	-417,6
Комунал хизматлари	99600,0	98170,6	-1429,4
Бошқа даромадлар	6600,0	27980,2	21380,2
Жами даромадлар	6851307,2	6696258,3	-15048,9

- Хизмат ҳақи - -226330,8 минг сумга, ижара ҳақи -10488,4 минг сумга ва коммунал хизмати -1429,4 минг сумга кам бажарилган (шахсий мулк эгалари хизмат ҳақи туловларни вақтида амалга оширмаганлиги ва қиш мавсумлар оралиғида қишлоқ-хўжалиги махсулотларини қамайганлиги, қиш мавсумида сотувчи тадбиркорларни қамайиши торози ва арава хизматларини бўлган талабларни қамайиши ҳисобига)

Жамиятнинг 2017 йил давомида қабул қилинган соф фойда режаси 491014,1 минг сўм, амалда 309222,9 минг сўм.

Асосий ажратмалар бўйича -1.6 % пенсия жамғармасига - 107140,1 минг сўм; 1,4% йул жамғармасига - 93747,6 минг сўм, 0,5% мактаб фондига - 33481,3 минг сўм ажратилган.

ДСИ 50%ли солиқ ажратмаси - режа бўйича 3251860,5 минг сўм, амалда 3179829,8 минг сум яъни 97,78 % (фоиз) ёки -775,2 минг сумга кам бажарилган.

2017 йилга режалаштирилган харажатлар миқдори 2455677,3 минг сўм, амалда 2567928,9 минг сўм, режага нисбатан 112251,6 минг сўмга ошган.

Жумладан

№		Режа	Амалда	фарқи
1.	Иш ҳақи	1213000,0	1200295,9	-12704,1
2.	25% тўловлар	298800,0	291425,1	-7374,9
3.	Сув ва канализация	78000,0	49852,2	-28147,8
4.	Электр қуввати	237248,5	309688,2	72439,7
5.	Дезинфекция харажатлари	7008,0	6488,6	-519,4

6.	Газ	1200,0	1267,4	67,4
7.	Махсустранс	150000,0	172594,4	22594,4
8.	Транспорт харажатлари	20000,0	32568,2	12568,2
9.	Иссиқлик энергияси	12900,0	6936,2	-5963,8
10.	Телефон, телеграф	6800,0	6082,9	-717,1
11.	Муниципал милиция бўлими	218933,0	213880,7	-5052,3
12.	Жорий таъмирлаш	46000,0	29604,1	-16395,9
13.	Кечиктирилган харажатлар	24600,0	22930,9	-1669,1
14.	Ас.восита эскириши	66900,0	73857,8	6957,8
15.	Банк фоизи хизмати	13200,0	13889,5	689,5
16.	Бошқа харажатлар	61087,8	136566,8	75479,0
	Жами харажатлар	2455677,3	2567928,9	112251,6

Сабаб;

- Электр қуввати 72439,7 минг сум (йил давомида тўлов ставка ошиши ҳисобига)
- Махсустранс 22594,4 минг сум (йил давомида тозалик кунларини ўтказилиши ва байрам ярмаркалари ҳисобига)
- Транспорт харажатлари 12568,2 минг сум (бензин нархи ошиши ҳисобига)
- Бошқа харажатлар 75479,0 минг сум (йил давомида тулов ставкалари ошиши, электир ускуналари, кабеллар эскириб таъмир талаб, транспорт воситаси экириб эҳтиёт қисмилар талаб булиб колганлиги) ҳисобига харажатлар ошиб кетишига сабаб бўлди.

Жамиятнинг 2018 йил 1 январ ҳолатига дебиторлик қарздорлик 1399730,6 минг сўмни ташкил этади.

Жамиятнинг 2018 йил 1 январ ҳолатига кредиторлик қарздорлик 2267343,1 минг сўмни ташкил этади.

Жамият йил охирига қадар қарздорликларни кескин камайтиришга барча зарурий чоралар кўрилиши назарда тутилганлиги.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарориди “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш ва қўллаш ҳамда тақдим этилган рақамларга асосан 2017 йил якунлари бўйича олинган СЙК (КПЭ) = 100 % ташкил этаётганлиги (режа бўйича 100 % бўлиши керак) боис ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги, белгиланган норма кўрсаткичларига асосан, ўрта даражада деб топилганлиги тўғрисида ахборот бериб ўтди.

Кун тартибидидаги масала юзасидан кузатув кенгаши аъзоси Т.К.Камолов сўзга чиқиб, жамият Кузатув кенгашининг 2017 йил мобайнида олиб борган фаолияти бўйича батафсил тўхталди. Жамият низомига мувофиқ жамиятнинг 2017 йилга тасдиқланган йиллик бизнес – режа бажарилишининг бориши тўғрисида жамият ижро этувчи раҳбарининг ҳисоботлари ҳар чоракда эшитилди. Жамият ижро этувчи орган томонидан ҳар чоракда берилган ҳисоботларда мавжуд бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ундириш ишларини жадаллаштириш ва бундай қарзларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, даромадлар ва харажатлар сметасида белгиланган харажатлардан ортиқ харажатга йўл қўймаслик ҳамда ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган фармонлар, фармойишлар ва буйруқларни ўз вақтида бажарилиши юзасидан тавсиялар бериб борилди. Шунингдек, Ўз навбатида Кузатув кенгаши мажлисларида қабул қилинган қарорларни ижроси, назорати ва бажарилиши ижроия орган директоридан талаб этилди. Акциядорлик жамиятлари қонунига асосан жамиятнинг 2018 йилга мўлжалланган бизнес – режаси 2018 йил Кузатув кенгаши мажлисида куриб чиқилди, тасдиқлаш учун 2018 йил 25 майдаги акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилди. Жамият ижроия органи томонидан барча ҳужжатлар ҳеч қандай тўсиқларсиз Кузатув кенгашига бериб борилди. 2017 йил мобайнида "Юнусобод деҳқон бозори" АЖ Кузатув кенгаши акциядорлик жамиятлари қонуни ва жамият

низомига мувофиқ ваколати доирасидаги масалаларни Кузатув кенгаш мажлисида кўриб чиқилганлиги тўғрисида умумий мажлис қатнашчиларига таништириб ўтди.

Шунингдек биринчи масала давомида жамиятнинг барча филиал раҳбарлари сўзга чиқиб мажлис қатнашчиларига бир йил давомида амалга оширилган ишлар ҳамда белгиланган режалар бажарилиши юзасидан ахборот бериб ўтдилар. Жамият томонидан берилган барча топшириқларнинг амалга оширилиши тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни аудиторлик ташкилоти ходими маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият бош ҳисобчиси М.М.Мавлянова ҳисобот берди.

М.М.Мавлянова сўзга чиқиб, «Юнусобод дехкон бозори» АЖ 2017 йил молиявий – хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви ҳаққоний, қонунчиликка асосан ўтказилганлигини айтиб, жамият аудитори томонидан ижобий хулоса берилганлигини айтиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **учинчи масала** бўйича сўзни жамият тафтиш комиссияси аъзоси маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Э.Кучаров тафтиш комиссияси хулосасини ўқиб эшитирди.

Жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Э.Кучаров сўзга чиқиб, тафтиш комиссия аъзоларининг фикрича ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган қайд этилган вазиятларнинг муҳимлиги натижасида «Юнусобод дехкон бозори» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққонийлигини акс эттиришини тўғрисида тафтиш комиссияси хулоса берганлигини тўғрисидаги хулосани ўқиб эшитирди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош муҳосиби М.М.Мавляновага берди.

Жамият бош муҳосиби М.М.Мавлянова сўзга чиқиб, жамиятни 2017 йил молиявий – хўжалик ҳисоботи (баланс) бўйича тўлиқ таништириб ўтди.

«Юнусобод дехкон бозори» АЖнинг 2018 йил 1 январь ҳолатига бухгалтерия баланси (минг сумда)

№	Актив	Сумма	Пассив	Сумма
1	Асосий воситалар бошланғич қиймати	1416807,8	Устав капитали	845000,0
2	Узок муддатли инвестиция	26246,1	Резерв капитал	743261,4
5	Капитал куйилмалар	84000,0	Таксимланмаган фойда	309223,0
6	Ишлаб чиқариш захиралари	14483,1	Максадли тушумлар	
7	Келгуси давр харажатлари	0,0	Кредорлик	2267343,4
8	Товарлар	892651,0	Бошқа узок муддатли к-т	
9	Пул маблағлари	330909,2		
10	Дебиторлар жами	1399730,6		
11	Бошқа жорий активлар	-		
	Актив бўйича жами	4 164 827,8	Пассив бўйича жами	4 164827,8

«Юнусобод дехкон бозори» АЖнинг 2018 йил 1 январь учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи (минг сум)

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
	Даромадлар	Харажатлар	Даромадлар	Харажатлар
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан тушган соф тушум	4765002,8	х	5220716,8	х

Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг тан нархи	x		x	-
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	5220716,8		5220716,9	
Давр харажатлари жами	x	2458460,4	x	2802297,9
Маъмурий харажат				530801,4
Бошқа операцион харажатлар		2458460,4		2271496,5
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	1254660,8	x	1447561,2	x
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	3491650,0	0	3865980,2	0
Молиявий фаолияти дармоди жами	42,4	0	27980,2	0
Дивидент шаклидаги дармадлари	42,4	-	x	-
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари		-	27980,2	-
Молиявий фаолияти буйича харажатлар		1890,6		
Умумхужалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)	3491692,	x	3893960,4	x
Даромад (фойда солигини тулагунга кадар фойда (зарар)	349169,2	x	3893960,4	x
Фойдадан бошқа солиқлар ва йигимлар	x	3328635,2	x	3584737,4
Хисобот даврининг соф фойдаси	163057,2	x	309223,0	x

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош муҳосиби М.М.Мавлянова сўзга чиқиб, жамиятни 2017 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб вараини тасдиқлаш ҳақида қуйидагиларни маълум қилди:

Жамиятнинг 2017 йил учун белгиланган даромадлар режасидаги соф фойда режаси 491014,1 минг сўм белгиланган бўлиб, амалда 309222,9 минг сўм соф фойда олинди

2017 йил якуни бўйича жамият 309222,9 минг сум соф фойда олганлиги, шундан 75% қисмини яъни, 231917,5 минг сумни дивидендга йуналтириш, 10% қисмини яъни, 30.922,3 минг сумни жамиятни захира жамгармасига йуналтириш ва қолган 15% қисмини яъни 46383,2 жамиятнинг моддий техника таъминотини яхшилашга йуналтириш таклифини киритди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **олтинчи масала** бўйича сўзни жамият директори в.в.б Б.Б.Латипов жамият бош муҳосиби М.М.Мавлянова берди. Б.Б.Латипов сўзга чиқиб, жамиятни 2018 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси», ҳамда М.М.Мавлянова сўзга чиқиб жамиятнинг 2018 йил «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» билан тўлиқ таништириб ўтди.

Жамиятнинг 2018 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»нинг Даромадлар ва харажатлар сметаси режасини қайта куриб чиқиш таклифи булди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасини амалдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонуни ва Кузатув Кенгаши ҳисобот йили якуни бўйича жамиятнинг ижроия органи раҳбари этиб Б.Б.Латиповни сайлаш тугрисидаги ўз хулосасини акциядорларни навбатдаги умумий йиғилиши қатнашчиларига таништирди.

Мажлис қатнашчилари ҳозирги кунда жамият директори вазифасини вақтинча бажарувчи бўлиб ишлаб келаётган Б.Б.Латиповнинг амалага ошираётган ишлари, 2018 йил давомида амалга ошириладиган режалари билан танишиб, жамият директори Б.Б.Латиповни директори этиб сайлаш ва меҳнат шартномасини тузиш керакли тугрисидаги таклифни маъқулладилар.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **саккизинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, жамият акциядорлари сони беш юздан кўп бўлганлиги боис жамият низомига мувофиқ Кузатув кенгаши аъзолари 7 кишидан иборат бўлишличини, жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар билан бюллетенда номлари қайд этилган Кузатув кенгаши аъзоларига кумулятив тарзда овоз беришларини эътироф этиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **тўққизинчи масала** юзасидан сўзни мажлис раиси сўзга чиқиб, жамиятни 2018 йил учун Тафтиш комиссиясига қуйидаги номзодлар Гулчехра Ибрагимова, Тамара Холматова ва Санжар Муратовлар номзодлари қўйилганлигини билдириб, тасдиқлаш таклифини бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўнинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Э.Б.Кучаров сўзга чиқиб Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари билан таништириб ўтди. Жамият 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижалари бўйича “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан текширилиб баҳоланганлиги, хулоса натижаларига кўра корпоратив бошқаруви бўйича 9-йўналишда -300 “паст” баҳо берилганлиги, фоиз шкала -25% ташкил этганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн биринчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Э.Б.Кучаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 6-боб 51 моддасига асосан эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхури томонидан 3-йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидентларни жамият ихтиёрида қолдирилиши белгиланганлигини инобатга олиб, жамиятда йиллар давомида йигилиб қолган эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхури томонидан 3-йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидентлар суммаси 4247,2 минг сумни ташкил этишини билдир ва ушбу суммани жамият ихтиёрида қолдиришни таклиф этди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи масала** бўйича жамият директори сўзга чиқиб, қуйидагиларни айтиб ўтди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 ноябрдаги ЭДО-03/1-2682-сонли йиғилиш баёни, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 20 ноябрдаги 182-ф-сонли, 29 ноябрдаги 190ф-сонли ва 1 декабрдаги 195-ф-сонли фармойиш (ва бошқа)ларига асосан “Чорсу буюм савдо комплекси” АЖга 2018 йил қиш баҳорги мавсумда пиёз захирасини сақлаш учун Тошкент шаҳар ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1,3 млрд сўм маблағ ажратилди.

Жамият томонидан мазкур маблағлар ҳисобига 2017 йил ноябр-декабр ойларида 1 кг 1650-1750 сўмдан жами 965,710 млн сўм ҳисобига 600.725 кг пиёз захирага жамғарилиши ташкиллаштирилди.

Жамият томонидан ҳисоб-китоблар қилиб қўрилганда мазкур маҳсулотлар учун банк хизмати тўлови, пиёзни ортиш-тушуриш харажатлари, омборхонада сақлаганлик учун тўловлар, саралаб савдога чиқаришдаги харажатлар, маҳсулотни норма бўйича табиий йўқолиши ва бошқа кўзда тутилмаган харажатлар ҳисобига 1 кг пиёзни таннархи харид қилинганга нисбатан ошди (1 кг 1900 сўм атрофида).

Режага асосан пиёзни январ ойидан сотиш белгиланган бўлиб, пиёз нархи январ феврал ойларида 2017 йилда олинган пиёз нархига нисбатан пастлиги сабабли, сотишга рухсат берилмади ва 2018 йил март ойидан бошлаб, Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган

йиғилишда берилган топшириққа асосан маҳаллаларда сотилди. Пиёз захирасини тайёрлаган бозорлар туманларга бўлиниб, маҳалаларда пиёзни арзонлаштирилган нархларда савдосини ташкил этди. Жамият томонидан Тошкент шаҳри тумани маҳаллаларида пиёз сотилиб, 2018 йил 4 апрелга қадар 93.305 кг сотилди (121,410 млн сўмлик).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 апрелдаги 01-03/1-2682-сон баёни ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, Ички ишлар Бош бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси ва Адлия бошқармасининг 2018 йил 4 апрелдаги қўшма қарорига асосан баҳор фасли эрта келганлиги, ҳаво ҳарорати кескин исиб кетиши оқибатида тегишли мутасадди идораларнинг захирага ғамланган пиёзнинг сифати ўзгариши мумкинлиги ҳақидаги хулосаларини инобатга олиб, шунингдек, ортиқча исрофгарчиликларни олдини олиш, Тошкент шаҳри аҳолиси ҳамда ижтимоий соҳа, коммунал ва хизмат кўрсатувчи, ҳарбий муассасалар ва уларнинг ходимларини пиёзга бўлган эҳтиёжини қондириш учун захирага ғамланган пиёзнинг қолган қисми бепул тарқатилди.

Пиёз бўйича бугунги кунда қарздорлик- 776,9 млн сўм.

Ҳозирда жамият молиявий имконияти ушбу зарарни тез муддатда қоплашни имконини бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раислигида 2018 йил 05 апрелда ўтказилган № 01-03/1-2682 сонли йиғилиш баёнининг 3-бандида “ 2017/2018/ йил қиш-баҳор мавсумига пиёз жамғариш учун ажратилган маблағларни қайтариш захира тадбирларига жалб қилинган деҳқон бозорлари ва савдо комплексларининг ҳамда “Тошкент агро захира” ДУКнинг дивидендлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилган”.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида акциядорлар жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиши, олган дивидендини эркин тасарруф этиши ҳуқуқига эгаллиги кўрсатилган.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги барча масалаларини муҳокамаси тугагандан сўнг, мажлис муҳокамасига киритилган масалаларга овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани саноқ комиссия раиси Т.Камолов ўқиб эшиттириб, қуйидаги натижалар қайд этилганлигини маълум қилди:

№	Кун тартиби	«Ёклайман»		«Қаршиман»		«Бетарафман»		Овоз бермаганлар		Ҳақиқий эмаслар	
1	Масала	617621	99,18 %	5146	0,82%	0	0	0	0	0	0
2	Масала	617621	99,18 %	0	0	5146	0,82%	0	0	0	0
3	Масала	617621	99,18 %	5146	0,82%	0	0	0	0	0	0
4	Масала	470	0,07 %	5146	0,82%	617170	99,11%	0	0	0	0
5	Масала	617640	99,18 %	5146	0,82%	0	0	0	0	0	0
6	Масала	451	0,07 %	622316	99,93%	0	0	0	0	0	0
7	Масала	622767	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
8	Масала	617185	99,11 %	0	0	5582	0,89%	0	0	0	0
8.1	С.С.Агзамходжаев	617185	99,1			5582	0,89%	0	0	0	0
8.2.	М.Т.Кодиров	617233	99,1			5534	0,89%	0	0	0	0
8.3	Р.А.Халиллаев	617185	99,1			5282	0,89%	0	0	0	0
8.4	Т.К.Камолов	617621	99,1			5146	0,82%	0	0	0	0
8.5	М.У.Турабеков	617185	99,1			5582	0,89%	0	0	0	0
8.6	М.Р.Каримов	617185	99,1			5582	0,89%	0	0	0	0
8.7	Н.Б.Халилова	617185	99,1			5582	0,89%	0	0	0	0
8,8	Р.Т.Иноғомов	41	0,009			622726	99,99				
9	Масала	617621	99,1 %	0	0	5146	0,82%	0	0	0	0
9.1	Г.Ибрагимова	617621	99,1	0	0	5146	0,82%	0	0	0	0
9.2	Т.Холматова	617621	99,1	0	0	5146	0,82%	0	0	0	0
9.3	С.Муратов	617621	99,1	0	0	5146	0,82%	0	0	0	0
10	Масала	617621	99,1 %	0	0	5146	0,82%	0	0	0	0
11	Масала	622767	100%			0					
12	Масала	5597	0,89			617170	99,11%				

Қарор қабул қилади.

1. «Юнусобод дехкон бозори» АЖнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик хисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботлари тасдиқлансин (ёқлаган 617621 та овоз – 99,18 %, қарши – 5146 та овоз -0,82 %, бетараф– йўқ).
2. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан «AUDIT-RUMANS» МЧЖнинг 2018 йил 30 апрелдаги аудиторлик ижобий фикр хулосаси инobatга олинсин (ёқлаган 617621 та овоз – 99,1 %, қарши – йўқ, бетараф– 5146 та овоз - 0,82 %).
3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2017 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосаси инobatга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 617621 та овоз – 99,18 %, қарши – 5146 та овоз 0,82%, бетараф– йўқ).
4. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича йиллик хисоботи етарли овозга эга булмаганлиги сабабли тасдиқланмади (ёқлаган 470 та овоз – 0,07 %, қарши – 5146 та овоз 0,82%, бетараф– 617170 та овоз 99,11 %)
5. 2017 йил якуни бўйича жамият 309222,9 минг сум соф фойда олганлиги, шундан 75% қисмини яъни, 231917,5 минг сумни дивидендга йуналтириш, 10% қисмини яъни, 30.922,3 минг сумни жамиятни захира жамгармасига йуналтириш ва қолган 15% қисмини яъни 46383,2 жамиятнинг моддий техника таъминотини яхшилашга йуналтириш тасдиқлансин (ёқлаган 617640 та овоз – 99,18 %, қарши – 5146 та овоз 0,82%, бетараф– йўқ).
6. Жамиятнинг 2018 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” етарли овозга эга булмаганлиги сабабли тасдиқланмади (ёқлаган 451 та овоз – 0,07 %, қарши – 622316 та овоз -99,93%, бетараф– йўқ)
- 6.1. Жамият ижроия органига смета курсаткичларини қайта ишлаб чиқиш вазифаси юклатилсин.
7. Жамият директори этиб Б.Б.Латипов сайлансин (ёқлаган 622767 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
- 7.1. Жамият Кузатув кенгаши Б.Б.Латипов билан ўрнатилган тартибда меҳнат шартномаси тузиш таъминлансин.
8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

8.1. Агзамходжаев Саиданвар Саидаминович	617185- та овоз
8.2. Кодиров Мумин Тулаганович	617233 -та овоз
8.3. Халиллаев Расулжон Аминбаевич	617185- та овоз
8.4. Камалов Толмас Каримович	617621- та овоз
8.5. Тўрабеков Машраббек Улуғбекович	617185- та овоз
8.6. Каримов Малик Рахимович	617185- та овоз
8.7. Халилова Наргиза Бяржоновна	617185- та овоз
9. Жамият Тафтиш комиссияси таркиби тасдиқлансин.

9.1 Ибрагимова Гулчехра	617621- та овоз
9.2 Холматова Тамара	617621- та овоз
9.3 Муратов Санжар	617621- та овоз
10. Жамият “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижаси -300 “паст” баҳо, фоиз шкала -25% баҳоси маълумот учун қабул қилинсин, келгусида берилган паст кўрсаткич натижаларини яхшилаш бўйича зарурий чоралар кўрилсин. (ёқлаган 617621 та овоз – 99,18 %, қарши – йўқ, бетараф– 5146 та овоз 0,82%,).
11. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхури томонидан 3-йил мобайнида талаб қилиб олинмаган дивидентлар суммаси 4247,2 минг сум жамият ихтиёрида қолдириш таклифи макуллансин ва тасдиқлансин (ёқлаган 622767 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

12. Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазири раислигида 2018 йил 05 апрелда ўтказилган № 01-03/1-2682 сонли йиғилиш қарорида “2017/2018 йил қиш-бахор мавсуми учун захирага жамғарилган пиёзни қолган қисмини нес-нобуд қилмаслик учун корхона ва ташкилотларга ҳамда маҳаллаларга бепул тарқатиш ва пиёз жамғариш учун ажратилган маблағларни қайтариш захира тадбирларига жалб қилинган деҳқон бозорлари ва савдо комплексларининг ҳамда “Тошкент агро захира” ДУКнинг дивидендлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилган”лиги масаласи Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида акциядорлар жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиши, олган дивидендини эркин тасарруф этиши ҳуқуқига эгаллиги кўрсатилганлигини инобатга олиб, 617170 та бетараф овоз берилганлиги боис, ушбу масала тасдиқланмади.

Мажлис раиси



Т.Камолов

Мажлис котиби

Э.Кучаров

Байъатнома имзоланган сана 04. июн 2018 й.ч.